



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 5 октябрь, № 196 (6631) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР, АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизда Биринчи Президентимиз томонидан бошлаб берилган ислохотлар самараси иқтисодиётимизда кузатилаётган ўзгаришлар, юқори ўсиш суръатларида яққол намойён бўлмоқда. Буни энергетика тизимидаги янгиланишлар туфайли замонавий электр станциялари, электр узатиш линиялари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилаётгани, мавжудлари тубдан модернизация қилинаётгани мисолда ҳам кўриш мумкин. Бунда зарур ускуналар, жумладан, электр қувватидан тўғри фойдаланиш, кучланишни эҳтиёжга мос равишда кўпайтириш ёки камайитириш каби вазифаларни бажарадиган трансформаторлар ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани айни муддао бўлаёттир.



ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ

“Чирчиқ трансформатор заводи” акциядорлик жамияти мамлакатимиз электротехника sanoatining etakchi korxonalaridan бири ҳисобланади.

Бу ерда 25 минг кВАдан 63 минг кВАгача бўлган трансформаторлар тайёрланади. Улар сифати, хавфсизлик даражаси юқорилиги,

фойдаланиш муддати узоклиги билан турдошларидан ажралади туради. Шу боис завод ёрлиги туширилган мойли ва қуруқ тақсимловчи

трансформаторлар, кучланувчан ёғли автотрансформаторлар, темир йўллар ҳамда локомотивлар учун махсус агрегатлар, трансформатор

нимстанциялари мажмуаларига нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб катта.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ — 2016

Аввал хабар қилинганидек, жойларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан сайлов участкалари тузилиб, уларда фуқароларнинг овоз бериши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Муҳим сиёсий тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда

2-Андижон округ сайлов комиссияси мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 10, 11-моддаларига мувофиқ, шаҳар, туман ҳокимликлари ҳамда ҳарбий қисмлар командирларининг сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги тақдирномаларни кўриб чиқилди. Шунга кўра, округ ҳудудда 773 та сайлов участкаси тузилди.

— Сайлов участкалари учун биноларни танлашда

(Давоми 3-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ХАЁТИ

Туризм ривожини тараққиётга хизмат қилади

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан меҳмонхоналар хизматини янада яхшилаш ҳамда шу орқали мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда сенаторлар, Адлия, Иқтисодиёт, Молия ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, боғжона, солиқ, статистика тизими ходимлари, “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган меҳмонхоналар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

БУЮК МЕЪМОРНИНГ ЭСКИ ШАҲАРДАГИ БУЮК ИШЛАРИ

Ойлар, йиллар ўтаверди, Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг мамлакатимиз, жумладан, пойтахтимизда амалга оширган буюк бунёдкорлик ишлари бот-бот эса олинаверди, халқимиз ўзининг улуг йўлбошчисини ҳеч қачон унутмайди...

Нақадар бахтли миллатимиз. Тўрт фасли тугал, серкуёш, саховатли ва барқали заминимиз бор. Дунёда санокли давлатлар қатори ер усти ва ер ости бой ресурсларига эгамиз. Энг муҳими, Ислон Каримовдай тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳнамоси, буюк давлат арбоби раҳбарлигида халқимиз ўз ҳаётини ўнглаб, аниқ йўлга солиб олди.

Ечимини муҳокама қилди. Эски шаҳарда 7 минг оила киши бошига ўртача 5 квадрат метр тўғри келадиган шароитда яшаётгани, бу энг оддий ҳаёт таъминоти шартлари ҳам мос келмаслиги рўй-рост айтилди. Тарихда биринчи марта Эски шаҳарнинг тарихий меъморий қиёфасини асраб қолган ҳолда, тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш ҳақида гап борди.

Пойтахтимизнинг истиқлолдан аввалги ва бугунги қиёфасини, айниқса, Эски шаҳардаги ўзгаришларни таққосласам, ер билан осмонча фарқ кўраман. Ислон Каримов республикамизга раҳбар бўлгач, кўп ўтмай, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги аҳвол билан бевосита танишди. Бир хонадонга кирди: каталақдай ҳовлида тўққиз оила тиқилиб яшаётган экан. Ичимлик суви танқис — одамлар ярим тунда челагини жўмрак остига кўра, саҳаргача томчилаган сувдан челақ тўлиб-тўлмасди. Ичимлик суви машинада келтирилди. Ҳаммом масаласини-ку гапирмасам ҳам бўлади. Кимдир уйига кўмир келтирса, маҳалла бошидан замбилда таширди. Чунки кўчага машина киролмасди.

Биринчи Президентимиз ғояси асосида Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режаси ишлаб чиқилгач, аввал кўчалар кенгайтирилди. Бунда бир муаммо — илгари йўллар учун захира ер ташлаб кетилмагани кўп халал берди. Чунки бир кун келиб Ўзбекистон мустақил бўлиши, ўзи автомобил заводи қуриши, хар икки оиладан бири шахсий автомобилга эга бўлиши кимнинг тушига кирибди, дейсиз?!

(Давоми 2-бетда).

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Марказий сайлов комиссиясининг мустақиллиги — адолатли ва демократик сайловларнинг кафолати

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш, демократик давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири уларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этишини кафолатлашдан иборатдир.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган. Фуқаролар томонидан давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг асосий йўлларидан бири, бу — сайловлар.

Юртимизнинг олий вакиллик органи бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ваколати Марказий сайлов

комиссиясига берилган. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, Марказий сайлов комиссияси доимий тарзда фаолият олиб борадиган ҳамда конституциявий мақомга эга мустақил орган бўлиб, ўз фаолиятини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида амалга оширади.

лан, биринчи босқичда Марказий сайлов комиссияси аъзоларига ҳар бир номзод Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари мажлисларида ҳар томонлама муҳокамадан ўтади ҳамда сайлаш учун парламентга тавсия этилади.

Иккинчи босқичда эса маҳаллий Кенгашлар томонидан Марказий сайлов комиссиясига аъзоликка сайлаш учун тавсия қилинган номзодлар тегишли равишда Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг мажлисларида алоҳида муҳокамадан ўтади ҳамда сайланади. Ҳар икки босқичда ҳам фуқароларнинг билвосита иштироки таъминлангани, уларда сиёсий партиялар, аҳоли кенг қатлами манфатлари ўз ифодасини топангани кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Марказий сайлов комиссияси конституциявий мақомга эга бўлиши давлат ҳокимиятининг бошқа органлари ҳеч қандай аралашуварисиз сайловларга таъйинлаш кўриши ҳамда ўтказиш таъминлашга хизмат қилади. Ваҳолонки, аксарият ривож-

ланган демократик мамлакатлар конституцияларида ҳам сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли бўлган органлар ҳамда уларни ташкил қилиш тартиби ҳақида махсус қоидалар учрамайди. Шуларнинг ўзидек юртимизда алоҳида муҳокамадан ўтади ҳамда сайланади.

Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг ижро ҳокимияти иштироки ва тасвирсиз сайлашнинг ўзига хос ноёб демократик тартиби ўрнатилган. Маса-

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Юртимиз ёшлари турли халқаро танловлар, фан олимпиадалари, нуфузли спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, ҳеч қимдан кам эмасликларини амалда намойён қилмоқдалар. Шубҳасиз, бу истиқлол йилларида ҳар томонлама пухта уйлан-

ган ёшларга оид давлат сиёсати юритилаётгани, эртағамиз эгаларини интеллектуал салоҳияти юқори, маънан ва жисмонан баркамол этиб вояга етказиш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг беқийёс самарасидир.

Келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг дастлабки пайтидаёқ, яъни 1991 йилнинг 20 ноябрида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, мамлакатимизда навқирон авлодни миллий истиқлол

ғояларига садоқатли, комил инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган муҳим фаолият йўналишлари белгилаб олинди. 2016 йил 15 сентябрдан кучга кирган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун билан бу борадаги ҳуқуқий асослар янада мустаҳкам-

(Давоми 3-бетда).

Жаҳон пахта бозорининг нуфузли анжумани

Шу йилнинг 12-13 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида XII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.



қилиш бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Соҳа мутахассислари буни серкуёш юртимизда пидишнинг толамининг сифат кўрсаткичлари юқорилиги, саноат-боплиги, энг асосийси, тўғри экспорт сиёсати юритилаётгани самараси, дея баҳолашмоқда. Чиндан ҳам, жаҳон пахта бозорининг асосий иштирокчисига айланган Ўзбекистонда харидор-

лар учун тенг имконият яратилган. Шу билан бирга, махсулотни сақлаш ҳамда етказиб бериш бўйича ўзига хос қулай тизим шакллантирилганки, пировардида ҳамкорларимиз сафи йил сайин кенгаймоқда. Бунда 2005 йилдан буён аънавий равишда ўтказиб келинаётган пахта ярмаркаси муҳим ўрин тутапти.

(Давоми 3-бетда).

Пухта билим, юксак интеллект ва қатъий мақсад

Юртимизда навқирон авлод вакиллари эришган ютуқлар, жумладан, уларнинг кашфиётлари, замонавий инновацион технологияларга оид лойиҳа ва ишланмалари бугун тараққиётга хизмат қилаётипти.

ФАН ВА АМАЛИЁТ

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошида ташкил этилган “Ёш олимлар кенгаши” ҳам ўзига хос кўмакчи бўлмоқда. Мазкур тузилма атрофида қўллаб-қувватлаш ишлари олиб бораётган ёш олимлар фаолияти билан танишиш, ҳамкорлик ўрнатилиши ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Ушбу кенгаш иш бошлаганидан буюн ёш олимларнинг ихтиролари ижтимоий ҳаётимизнинг барча тармоғида ўз ақсини топаётти. Биринчи Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ҳар йили ёш мутахассислар республика форуми ўтказиб келинаётгани ҳам иктидор эгаларига қўрсатилаётган рағбатнинг амалий ифодасидир. Масалан, ЎзР ФА тасарруфидаги Физика-техника институти катта илмий ходими Ойбек Абдулҳаев, Энергетика ва автоматика институти кичик илмий ходими Бахтиёр Газиев ана шу тадбирнинг “Энг фаол ёш олим” номинацияси гоялиги сифатида Ўзбекистон Қасаба уюмалари Федерацияси Кенгашининг гранти со-

ҳибига айланди. Шунингдек, Энергетика институтидан техника фанлари номзоди Олимжон Тоиров, Ўсимлик ва ҳайвонот олами фондида институтдан Орозимат Турғуннинг илмий изланишлари алоҳида таъкидлаш жоиз.

Халқаро танловларда қатнашиб, ўзбекистонлик ёшлар салоҳиятини намойиш қилаётган тенгдошларимиз ҳам талайгина. Академия тизимидаги Физика-техника институтидан Хусниддин Алимов ҳамда Ўсимлик моддалари кимёси институти вакили Исроилжон Ахунов жорий йилда ўтказилган “TWAS — 2016” халқаро танлови голиблари сифатида эътироф этилди.

Олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, кашфиёт ва рационализорлик тақлифларида “Инновацион” гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар” республика ярмаркасида ҳам кенг ўрин берилаяпти. Биргина жорий йилда бўлиб ўтган ушбу тадбирда ЎзР ФА тасарруфидаги илмий-техшириш институти ёш олимлари томонидан юзга

Илм-фани янада ривожлантириш, бу соҳада изланишлар олиб бораётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш кенгашининг муҳим вазифаларидан биридир. Зеро, пухта билим, мустақил фикр, қатъий мақсад эртанги кунимиз эгаларининг салоҳиятини ифода этади.

яқин янги ишланмалар, ихтиро ҳамда кашфиётлар тақдими қилинди.

Хусусан, ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтидан Дилноза Салиханованинг “Юқори олеин ўсимлик моляридан бойитилган олеин олиш технологиясини ишлаб чиқиш”, шу институт олими Сирожиiddин Жиянбаевнинг “Маҳаллий хом ашёлар асосида редуктор сурков мойи” мавзуларидаги, Микробиология институтидан Баҳора Тўраевнинг қишлоқ ҳўжа-лиги оид лойиҳалари, Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти олимлари Павел Логинов ва Барно Рихсиева томонидан тақдим этилган “Қишлоқ ҳўжалиги сугорити тизимлари ер ости қувурлари техник ва мустаҳкамлик ҳолатининг кузатиш тизимини яратиш” мавзуидаги инновацион тақлифлар иштирокчилар эътиборини тортиди. Пировардида илмий лойиҳаларни ишлаб чиқаришда қўллаш мақсадида тегишли тақлилот ҳамда корхоналар билан инновацион шартномалар тузилди.

Бундан ташқари, фундаментал таққиқотлар лойиҳалари учун ўтказилаётган танловларда ҳам ёш олимларимиз ўз илмий салоҳиятини намойиш этади, бир қатор маҳаллий ва халқаро грантларни қўлга киритишайтири.

Азизбек БАҲОДИРОВ,
ЎзР ФА ёш олимлар кенгаши раиси ўринбосари,
техника фанлари номзоди.

ТУҲФА

Самарқанд вилояти “Баркамол авлод” болалар ижодиёт марказида “Келажақ юддузлари кўргони” шори остида “Очиқ эшиқлар кўни” тадбири ўтказилди. Унда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, уларнинг отаналари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Барчаси болалар учун

Анжуманда иштирокчилар марказда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни касб-хўнарга йўналтириш борасида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мазкур мусассада бадий ижодиёт, техник ижодкорлик, ўлкашўнослик ва экология йўналишларида 42 тўғарақ фаолият юритмоқда. Улар нафақат шу ерда, балки 1, 9, 10-Мехрибонлик уйлари ҳамда “SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи”да ҳам иш олиб бораёпти. Машғулотларга 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган минг нафарга яқин ўғил-қизлар жалб қилинган.

Марказда фарзандларимиз учун яратилган имкониятларни кўриб, хурсанд бўлдик, — дейди Насиба Холбоева. — Турли машғулотлар уларнинг қобилиятини шакллантириши, ўқиш ва илганишга қизиқишини ошириши, шўҳасида.

Тадбирда марказ тингловчиларининг қўл меҳнати ёрдмида тайёрлаган ижод намуналари кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳаваскор велоспортчилар беллашуви



Пойтахтимизда “Камолот-тур” IX ёшлар веломарафонининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу аънанавий беллашув “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари, Қасаба уюмалари Федерацияси, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси каби қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилди.

ТУРНИР

Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ўғил-қизларнинг спорт, айниқса, велоспортга бўлган қизиқишини кучайтириш ва экологик тоза транспорт воситасидан фойдаланишни омалаштиришдан иборат.

Эътиборли жиҳати, 2008 йилдан буюн ўтказиб келинган беллашувларда қатнашиб истагини билдираётган навқирон авлод вакиллари сафи тобора кенгайиб бораёпти. Масалан, илк бор ташкиллаштирилган мусоба-

қада 500 нафар йигит-қиз иштирок этган бўлса, ўтган йили улар сони 27 мингдан ошди. Жорий йилда эса қўйи босқичларда 31,6 мингдан зиёд ҳаваскор спортчилар қатнашди. Улар орасидан сараланган икки мингга яқин ёшлар худудий босқичларда маҳоратини намойиш қилди.

“Камолот-тур”нинг яқиний босқичида иштирок этиш ҳўққини қўлга киритган велополювчилар уч ёш тоифаси бўйича ўн тўрт километрик масофада баҳслашди.

Унга қўра, 9 — 14 ёшлилар ўртасида хоразмлик Умиджон Бахтиёрнов, манам-

ганлик Акбар Нуриддинов, пойтахтлик Фахриддин Рўзимов, 15 — 17 ёшли ҳаваскор велоспортчилар орасида қорақалпоғистонлик Илҳом Есаиёев, қашқадарёлик Асомиддин Боқиев, андижонлик Мўхаммадазиз Турсунбоев, 18 — 30 ёшли иштирокчилар беллашувида эса Тошкент шаҳри вакили Жаҳохир Эгамбердиев, бухоролик Нодир Голованов, жиззахлик Денис Хурсанов голиб ҳамда совриндор бўлди.

Ушбу мусобақада уч йилдан бери қатнашман, — дейди олтин медални қўлга киритган

Ж. Эгамбердиев. — Бундай тадбирлар туфайли спортга бўлган меҳримиз янада ортади, қолаверса, республикамизнинг турли вилоятларидан келган тенгқурларимиз билан дўстлашамиз. Бу йилги баҳслар ҳам анча қизиқарли кечди. Голиб бўлганимдан хурсандман. Шунингдек, қатнашчилар “Энг ёш иштирокчи”, “Энг иродали велополювачи”, “Энг маҳоратли техник иштирокчи” сингари номинациялар бўйича ҳам тақдирланди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилайдиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.



Аукцион савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Хива тумани СИБ томонидан ФИБ Богот туманлараро судининг 2014 йил 22 июлдаги 1875-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хива тумани, «Хива автолаз» МЧЖ худудида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 А 235 СА бўлган, «Damas» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.

2. Шовот тумани СИБ томонидан ФИБ Шовот туманлараро судининг 2016 йил 26 июлдаги 4881-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шовот тумани, Туркистон кўчаси, 79-уйда сақланаётган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 960 ВА бўлган, «УТО-С-1402» русумли трактор.

Бошланғич баҳоси — 88 798 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 2 ноябрь кўни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2016 йил 1 ноябрь кўни соат 18.00.

Талабгорлар қўйидаги ҳўжатларни топиширишлари лозим:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонунда белгиланган тартибда расмиллаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда расмиллаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

WWW.KOSS.UZ

Телефонлар: (0-362) 228-48-46, (+99891) 421-00-88.

Гувоҳнома № 5477.

«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

Тошкент шаҳар филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилайдиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳўзуридаги Суд департаменти томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳўкми асосида чиқарилган 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда:

- * 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами РВ 476 Т77, кузов рақами ZHWGE11S14LA 01386, қизил рангли, «Lamborghini Gallardo» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 615 583 497 сўм.**
- * 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 С 624 КА, двигатель рақами 27396330337032, кузов рақами 4JGBF8GEXAA573499, оқ рангли, шассиси рақамсиз бўлган «Mercedes GL550» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 397 553 521 сўм.**

Автотранспорт воситалари сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, Тошкент «ОРМЗ».

Аукцион савдоси 2016 йил 20 октябрь кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2016 йил 19 октябрь кўни соат 18.00.

Талабгорлар қўйидаги ҳўжатларни топиширишлари лозим:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонунда белгиланган тартибда расмиллаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда расмиллаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳўзуридаги Суд қорорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

WWW.KOSS.UZ Телефонлар: (0-371) 276-42-62, (+99897) 790-95-95. Гувоҳнома № 5477.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси





Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан тақлиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (+998 93) 291-68-94.
www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсус сертификатланган.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 72 891 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълолар (0-371) 232-11-15.

Ташрифта келган қўезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Рекама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Д. Содиқов. Мусабхӣҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топириди — 22.30 1 2 3 4 5 6